

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.АКРАМОВА	
Номинатив бирликлар функцияларини ўрганиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш	70
Ш.ЮСУПОВА	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимлар иштирок этган фразеологизмларни таржима қилиш хусусида	73
Ғ.ХОШИМОВ, А.ЗИЯЕВ	
“Интенсификация/деинтенсификация” концептуал семантикаси вербализатор-ларининг когнитив типологияси	75
Н.АЛИЕВА	
Инглиз ва рус тилларидаги кичрайтириш маъносидаги фразеологик бирикмаларнинг тиллараро корреспонденцияси	82
Қ.КАХАРОВ	
Ўзбек ва немис халқлари мулоқотида паралингвистик воситаларнинг қўлланилиши	85

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.АДҲАМОВ, М.ЖАЛИЛОВ	
Бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий маданият элементларини шакллантириш	88
З.БОБОЕВА, С.ЙУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъатга оид энг қадимги маконлар	91
Р.ДЖАЛИЛОВА	
Буюк тасвирий санъат усталари ижодининг узлуксиз таълимдаги ўрни	94

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Н.МИРЗАКАРИМОВА	
Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанини ўқитишнинг баъзи хусусиятлари	96
Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, З.ОЛИМОВА, Ф.БИЛОЛОВА	
Ўрта махсус ўқув юртларида физикадан ўқув тажрибаларининг кўринишлари ва уларнинг вазифаларини ўрганиш	98
М.РАСУЛОВА, Ф.РАСУЛОВ, У.БОЛТАБОЕВ	
Қон ва сийдик таркибидаги сийдик кислотасининг миқдорига гиперурикемиядаги боғлиқлигини тажрибада ўрганиш	100
Д.ҚОДИРОВА, С.ТҲХТАЕВ	
Кальций хлорат - фосфат учэтаноламмоний – сув системасининг эрувчанлик диаграммаси	102
Н.ЖУРАҚҲЗИЕВ	
“Хуастуанифт”да самовий культ функциялари ҳамда осмон билан боғлиқ тушунчалар	105
Д.ТЕШАБОЕВ	
“Маснавий ҳикматлари” асарида қўлланган ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг шаклий тузилиши	107
З.АКБАРОВА	
Тил ва унинг функциялари ҳақида	109
З.САЛАХИДИНОВА	
И.С.Тургенов прозасида фразеологик бирикмаларнинг функционал вазифаси	111
Н.ҚАРШИЕВ	
Қоракўл териларининг тур ва навларини англатувчи атамалар	113
Н.АББАСОВА, М.ХОДЖАЕВА	
Ўқувчиларда хорижий тил савияси ҳосил бўлишида ролли ўйинлардан самарали фойдаланиш	115
Б. СОТВОЛДИЕВ	
Инглиз ва ўзбек тилларида лексик жаргон ва арголарнинг лингвистик моҳияти	116
Г.ЙУЛДАШЕВА	
Информатика фанининг бошқа фанлар билан интеграция алоқалари	118
Д.НУРАЛИЕВА	
Оилага психологик хизмат кўрсатиш орқали шахснинг ижтимоий ўрнини белгилаш	121

ХОТИРА

Наримон Нурматович ҚОРИЕВ	124
--	-----

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиогрaфия	125
--------------------	-----

“ИНТЕНСИФИКАЦИЯ- ДЕИНТЕНСИФИКАЦИЯ” КОНЦЕПТУАЛ СЕМАНТИКАСИ ВЕРБАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ КОГНИТИВ ТИПОЛОГИЯСИ.

Ғ.Хошимов, А.Зияев

Аннотация

Ушбу мақолада замонавий инглиз, ўзбек ва рус тилларида универсал табиатга эга бўлган “интенсификация/деинтенсификация” концептуал макросемантикасини воқеалантирувчи вербал воситаларнинг олтига тури биринчи бор тизимли равишда қиёсий типологик асосда тадқиқ қилинган. Уларнинг изоморфик ва алломорфик жиҳатлари аниқланган, шунингдек, уларни тақозо этувчи омиллар очиб берилган.

Аннотация

В статье впервые исследуются с сопоставительно-типологической точки зрения шесть типов вербализаторов универсальной концептуальной макросемантики “интенсификация/деинтенсификация” в английском, узбекском и русском языках, установлены их изоморфные и алломорфные признаки, выявлены факторы, обуславливающие последние.

Annotation

This article touches upon the six types of the verbalizers of the conceptual macrosemantics of “intensification/deintensification” established for the first time in Modern English, Uzbek and Russian, which allowed to reveal the isomorphic and allomorphic features of the verbalizers and the factors preconditioning the latter.

Таянч сўз ва иборалар: когнитив типология, интенсификация / деинтенсификация макросемантикаси, вербализатор (морфофонема, морфема, лексема, синтаксема, фразеоема, текстема), изоморфик ва алломорфик жиҳатлар.

Ключевые слова и выражения : когнитивная типология, макросемантика “интенсификация / деинтенсификация”, вербализатор (морфофонема, морфема, лексема, синтаксема, фразеоема, текстема), изоморфные и алломорфные особенности.

Key words and expressions: cognitive typology, macrosemantics of “intensification / deintensification”, verbalizer (morphophoneme, morpheme, lexeme, syntaxeme, phraseoeme, texteme), isomorphic and allomorphic features.

Кейинги ўн йилликларда замонавий тилшуносликнинг ривожига кўплаб олимлар томонидан тилга бевосита антропоцентризм нуқтаи назаридан изчил ёндашаётганликлари билан боғлиқдир. Чунки бундай ёндашувда асосий эътибор аввало инсонга, яъни тилда сўзлашувчи / ёзувчи шахс(лар)га қаратилаётганлиги билан ажралиб туради. Шунга боғлиқ ҳолда бугунги тилшуносликда лингвокогнитология, лингвокультурология, лингвоконцептология, лингвопрагматика, психолингвистика, социолингвистика, нейролингвистика, биолингвистика каби янгидан-янги фанлараро илмий йўналишлар шаклланимодоки, ушбу йўналишларда тил инсоннинг ақлий (ментал) структуралари, тафаккур жараёнлари ва уларни келтириб чиқарувчи лингвистик ҳамда экстралингвистик омиллар билан узвий боғлиқликда ўрганилади.

Юқорида зикр этилган илмий йўналишлар орасида когнитив тилшунослик ўзига хос истиқболли,

нисбатан мустақил бир соҳа бўлиб, у инсон томонидан борлиқ дунё воқелигини тил орқали англаниши, ўрганилиши, яъни концептлар воситасида унинг инъикос этилиши, ҳис ва идрок қилиниши каби инсон миясида кечувчи мураккаб концептуал жараёнлар билан чамбарчас боғлиқки, уларнинг натижаси ўлароқ бундай омиллар бевосита тилда сўзловчи / ёзувчининг концептосферасини ташкил этади. Қолаверса, когнитив тилшунослик турлитуман концептлар, уларни ифодаловчи турли вербал ва авербал воситалар (вербализатор ва авербализаторлар)ни категорияларга ажратиб ўрганадиган ва уларни кўзланган нутқ ҳамда мулоқот мақсадларига мувофиқ ҳолда тўғри қўллай олишлик лаёқатлилиги масалаларини ҳам таҳлил қиладиган тилшуносликнинг соҳаси ҳисобланади. Бу маънода юқорида келтирилган омиллар ўз навбатида сўзловчи / ёзувчи, шунингдек, тингловчи / ўқувчининг

Ғ.Хошимов – АДУ, филология фанлари доктори, профессор.
А.Зияев – ФарДУ катта илмий ходим - изланувчиси.

лингвокультурологик ва лингвопрагматик жиҳатдан мавжуд билимлари асосида мулоқот олиб бориш учун лаёқатлилиги /компетенцияси даражасини белгилайди.

Когнитив тилшуносликнинг нисбатан янги бир муҳим йўналиши ҳам борки, у “когнитив типология” деб аталади. Когнитив типологияда “концептлар” (концептуал семантикалар) объектив борлиқни инъикос қилишда концептуаллаштириш, категориялаштириш каби жараёнларнинг оқибат-натижалари сифатида олиб қаралиб (Langacker 1987; Касевич 1993, Демьянков 1994; Jackendoff 1998; Кубрякова 2001; Стернин 2001; Маслова 2004; Сафаров 2006; Попова 2007; Юсупов 2007; Хошимов 2010; Маматов 2012 ва ҳ.к.), мавжуд тилларда уларнинг воқелантирилиш техникаси, ўзига хос усул ва воситалари ўрганилади, пировардида уларнинг изоморфик ва алломорфик жиҳатлари аниқланиб, уларни тақозо этувчи омиллар очиб берилади.

Когнитив типологик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, концептуал оппозицияга асосланган “интенсификация / деинтенсификация” концептуал семантикаси ҳар бир тилда сўзловчи / ёзувчи тафаккурида – концептосферасида мавжуд бўлган семантика бўлиб, у универсал табиатга эга. Бошқа бир қатор семантикалар каби “интенсификация/ деинтенсификация” концептуал семантикаси - бу кучайтириш / катталаштириш ва «кичрайтириш / камайтириш ёки кучсизлантириш / камайтириш» каби концептуал микросемантикаларнинг оппозициясига асосланган макросемантик категория бўлиб, у объектив борлиқдаги предмет (инсон, ҳайвон, ҳодиса) кабиларнинг тавсифи даражасини маълум жиҳатдан “кучайтириш / катталаштириш ёки «кичрайтириш / камайтириш ёки кучсизлантириш / камайтириш” учун воқелантирилади.

Ушбу мақолада биз замонавий инглиз, ўзбек ва рус тилларида “интенсификация / деинтенсификация” концептуал макросемантикасини ифодаловчи вербал воситалар, яъни вербализаторлар когнитив типологиясининг айрим муҳим жиҳатларига асосий эътиборни қаратамиз.

Турли тизимдаги замонавий инглиз, ўзбек ва рус тилларида “интенсификация /

деинтенсификация” концептуал макросемантикасини ифодаловчи, яъни воқелантирувчи тил сатҳларининг бирликлари қиёсий-типологик таҳлили асосида шу нарса аниқландики, мазкур концептуал семантика тил бирликларининг қуйидаги инвариант турлари орқали тизимли аснода ифодаланар экан: 1) фонема (тўғрироғи, морфофонема); 2) морфема; 3) лексема; 4) синтаксема: а) фразаема; б) сентенсема; 5) фразеоема [12;45-46] 6) текстема (дискурсема). Қуйида биз буларнинг ҳар бирини алоҳида олиб, эмпирик мисоллар асосида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Аввало, қиёсланаётган тилларда “интенсификация” концептуал микросемантикасини воқелантирувчи вербализаторларни кўриб чиқамиз. Мазкур семантика тилларда қуйидаги вербализаторлар орқали воқелантирилади:

1) **фонемалар орқали:** а) *унли фонемаларни* чўзиб талаффуз қилиш йўли билан. Масалан, *инглиз тилида:* It is a-a-a-absolutely right ! (Бу м-м-м-утлақо тўғри – Это а-а-а-бсолютно правильно!); б) *ундош фонемаларни* чўзиб талаффуз қилиш орқали. Масалан, *инглиз тилида:* **С-с-с**ome here! (**Т-т-тез** кел бу ёққа! - **Б-б-б**-ыстро сюда иди!); *ўзбек тилида:* **Ж-ж-ж-уда зўр!** (**V-v-v-ery good!** - **О-о-о-чень хорошо!**) **круто!**

М.И.Матусеевичнинг фикрича, рус тилида унлини чўзиш кўпроқ ижобий ҳис-туйғулар, ундошни чўзиш эса салбий ҳис-туйғулар билан боғлиқ бўлади. Бизнингча, бундай интенсификация усули қиёсланаётган ҳар учала тилга ҳам хосдир, Масалан: 1) Он қр-р-р-утой (У э-э-пчил - He is dr-r-r-astic); 2) **Ч-ч-ч**-ерт возьми!(**Ж-ж-жин урсин!** - **D-d-d-amn it!**).

2) **морфемалар орқали.** Масалан, *инглиз тилида:* а) super+noun stem – **supermodel** – **супер**модель - суперқолип , **supersoldier**-суперсолдат - супераскар ва ҳ.к.; б) hyper+ noun stem – **hypermarket** (**гипер**маркет – гипербозор) ва ҳ.к.; в) out+verb stem: outlast (превосходить по длительности – узоқ чўзилмоқ); outfight (побеждать в бою - жангда ғолиб чиқмоқ) ва ҳ.к.; *ўзбек тилида:* 1) noun stem+**лар:** Бош**ларим**ни қотириб юборяпсан (Мне голову морочишь - You are racking my brains too much) Ўҳ-ўҳ, **юракларим** куйди, **бўйларингга** қоқиндиқ ! (Оҳ, оҳ, с-с-сердце

ТИЛШУНОСЛИК

горит, лапочка моя! – Oh, oh, the h-h-h-eart is burning, sweetest!); 2) **бе+noun stem** “бениҳоя, беҳисоб, беҳад ва ҳ.к.: Мен сиздан беҳад миннатдорман (Халқ сўзи, 2015, № 28, 5). (Я безгранично / очень / безумно / благодарен вам - I am endlessly/very/extremely grateful for you); 2) **verb stem+мас** (толмас, ўлмас, чарчамас): толмас курашчи (an untiring fighter – неутомимый боец) ва ҳ.к.

3) **лексемалар орқали: 1) сифатлар**, масалан, **инглиз тилида: а) superior**: We respect Bill's *superior* knowledge of the area. (Биз Биллнинг худуд ҳақида чуқур билимини ҳурмат қиламиз - Мы уважаем Билла за **глубокое** знание об ареале); **б) extreme**: The police were accused of using *extreme* violence against the protesters. (Полициячилар норози кишиларга нисбатан **ўта** бешафқатликда айбландилар - Полицейские были обвинены в **жестоким** применении силы против протестующих); **в) outstanding**: An *outstanding* example of Indian art. (**Самый бесценный** образец индийского искусства – Ҳиндистон санъатининг **энг нодир** намунаси); **д) only** – You are the *only* person who can help me – (Менга ёрдам бера оладиган **ягона** инсон сизсиз – Вы **единственный** человек, который может помочь мне); **ўзбек тилида: а) ёлғиз (фақат, биргина)**, масалан: **фақат** бир илтимос (**только** одна просьба – **only** one request (**just a** request) ва ҳ.к.); 2) **жамловчи (умумлаштираувчи) олмошлар**, масалан, **инглиз тилида: all, every, each, everybody, everything, everyone** ва ҳ.к.: I did **everything** for you (Я для тебя сделал **все** – Мен сенга **ҳамма нарса**ни қилдим); He spent his **whole** life in the country. (Он провёл **всю** свою жизнь в деревне – У ўзининг **бутун** умрини қишлоқда ўтказди); **ўзбек тилида: ҳамма, барча, бари (си), ҳар бир(и), ҳар қайси(си), ҳар ким, ҳар нарса** ва ҳ.к.: **Ҳамма** ҳозир далада (**Все** сейчас в поле – **Everybody** is on the field); 3) **отлар**, масалан, **инглиз тилида: planet, earth, world, life** ва ҳ.к.: They can control **the planet** (Они могут контролировать **планету** – Улар **ер қуррасини** назорат қила оладилар), He spent **all** his life on the island. (Он провёл **всю** свою жизнь на острове) ва ҳ.к.; **ўзбек тилида: дунё, жаҳон, ер, замин, умр, аср** ва ҳ.к.: Унга бу **дунё** тор. (Ему этот **мир** тесен (узок). – **The world** is narrow for him); 4)

равишлар, масалан, **инглиз тилида: always, never, ever, deeply, too, absolutely, scarcely, barely, fairly, astonishingly; extremely**, например: He is **always** thinking of you. (Он **постоянно** думает о вас - У **доимо** сиз ҳақингизда ўйлайди); He came to the meeting **absolutely** late – Он пришел на собрание **абсолютно (совсем)** поздно; **ўзбек тилида: ўта, жуда, энг, роса, бениҳоя, беҳад, беҳисоб, чексиз, ниҳоятда, бағоят, доимо, ҳеч қачон, ҳеч ҳам, бир умр, умр бўйи, умри(м)да, ҳаётда**, масалан: Отанг раҳматлик **умр бўйи** шу ердан жилган эмас эди (П.Турсун, Ўқитувчи, 26), (Your late father has spent his **whole life** just here - Твой отец, царство ему небесное, провёл **всю** свою **жизнь** только здесь.); **ўзбек тилида: Болалар беҳад** қувонишиб, Йўлчининг бўйнига осилишди (Ойбек. Қутлуғ қон, 112) (Будучи **очень** рады, дети бросились в объятие Юлчи – Being **so** happy, the children threw themselves into Yulchy's arms); **5) сонлар (нумеративлар)**, масалан, **инглиз тилида: hundred(s), thousand(s), million(s), trillion(s)** “Daddy, we've done all this **a thousand times**” [Myrer A. The Last Convertible, 102] (Дадажон, бу ишни **минг марта** қилганмиз” – “Дорогой отец, мы эту работу сделали **тысячу раз**; **ўзбек тилида: ўн, юз, минг, миллион**: Тилагимга етказган худога **минг-минг марта** шуқур (П.Турсун.Ўқитувчи, 48), (I thank God **a thousand times** for my dreams came true – Я **тысячу раз** благодарен богу за то, что мои мечты сбылись. **б) юкламалар**, масалан, **инглиз тилида : 1) all (the same)**: I am sure he's safe, but **all the same**, I wish he'd come home (Я уверен, он в безопасности, **но всё - таки** хотелось бы, чтобы он пришел домой - Мен ишонаман, у хавфдан ҳоли, **лекин барибир** мен унинг уйга келишини хоҳлардим) 2) **all/along**: You've been very nice to me **all along**, Mr.Cowperwood...Th. Dreiser, The Financier, 236) (Сиз менга **бир умр** яхши муносабатда бўлдингиз, жаноб Каупервуд - Вы **всю жизнь** были в добрых отношениях со мной, мистер Каупервуд); 3) **all /alone**: He came through that way **all alone**. (E. Hemingway, Selected Short Stories, 169), (У бу йўлни **ёлғиз ўзи** босиб ўтди – Он прошёл всю эту дорогу **в одиночку**); **ўзбек тилида: бор, бари, барча, буткул, бутун, нуқул, батамом, тўлиқ** ва ҳ.к.: У **бор** кучини халқ равнақиға сарфлади (Он отдал **все**

свои силы процветанию народа – He has devoted **all** his energy to the people).

4) синтаксемалар: а) фраземалар (сўз бирикмалари). Масалан, инглиз тилида: а) for ever, for good, for centuries /for years/, on /the/ earth /not on earth/, in the world /not in the world/, for the world /not for the world/, thousands of pardons, to say a hundred times ва ҳ.к. : Where **on earth** have you been walking? (Где, **черт побери**, ты ходишь – Қаерларда, **жин урсин**, юрибсан?); He is one of **the most prominent** literary figures in the world (У адабиёт оламидаги **энг таниқли** сиймолардан бири - Он один из **наиизвестнейших** фигур в мире литературы); ўзбек тилида: бир умр, умр буйи, умри давомида, ер юзида, дунё ичра, жаҳон ичра, дунё /жаҳон бўйича: У бир умр кўлига газета олмаган эди (М.Исмоилий., Фарғона тонг отгунча, 235 –бет), (Он в **жизни** не брал газету в руки – He has **never** taken a newspaper into his hands); б) **сентенсема(гап)лар**: 1) **содда сентенсемалар**: масалан, **инглиз тилида**: And she had earth **on her hand** (B. Erskine, Midnight is A Lonely Place, p. 83), (У нее весь земной шар был **на ладони** - Унинг **кафтда** ер шари турарди); ўзбек тилида: Унда **минг** паҳлавоннинг кучи бор (Ўзбек халқ эртаклари, 75-бет), (У него есть сила **тысячи** богатырей - He has the power of **thousands** of strong men). 2) **кўшма сентенсемалар**. Масалан, **инглиз тилида**: There was a smile **you can die from** (Это была такая улыбка, **от которой можно с ума сойти** – Унинг табассуми шундай гўзал эдики, **одам ақлини йўқотиб қўйиши ҳам мумкин эди**); ўзбек тилида: У **шунчалик** кўп гапирдики, **натихада чолнинг кўнгли озиб кетди** (Он говорил **так много**, что **старику на душе стало нестерпимо тяжело** - He spoke **so much that the old man could not stand that any more**).

б) **фразеомалар** (фразеологик бирликлар): масалан, **инглиз тилида**: as hell, a hell of a lot, under the sun, like mad ва ҳ.к.: It's cold as **hell** in this house (В этом доме **собачий холод** – Бу уй **ўлғудай совуқ**); I am going to miss you a hell of a lot (Я буду по тебе очень-очень скучать – Мен сизни жуда-жуда соғинаман) ва ҳ.к.; ўзбек тилида: масалан, **кулини кўкка совурмоқ / ер билан яксон қилмоқ** /, **она сути оғзига**

келмоқ ва ҳ.к.: Айт, бўлмаса, **кулингни кўкка совурамиз!** (С.Анорбоев, Оқсой, 46-бет), (Tell the truth, or else we **will ruin you!** – Скажи правду, иначе мы тебя **разорвем на куски!**).

Фразеомалар сўз бирикмаси, мақол ва маталларда ҳам ўз аксини топиши мумкин. Улар мулоқотда қўлланганда, суҳбатдошга кучли таъсир этади ва муддаони тезда тушунишга хизмат қилади. Масалан, инглиз тилида: *All covet, all lose* (Proverb), *Много желать – добра не видать* - *Беш қўлни баравар оғизга тиқиб бўлмайд*; *Every dog has it's day* (Proverb)(*Чикмаган жондан умид* – Where there's a will, there's a desire); ўзбек тилида: *Болғачининг минг ургани, босқончининг бир ургани* (Мақол)(*Один удар кузнеца лучше чем тысячи ударов молотобойца* - *One blow of the smith is better than thousands of a hammerer*).

7) **текстема (матн)лар**. Масалан, **инглиз тилида**: I have **a million** in my own right. I could give you **every luxury** (**Ўзимнинг** шахсий ҳисобимда **миллион** бор. Сизга **истаган нарсангизни** бера оламан – У меня есть **миллион** на моем счету. Я могу дать вам **все, что вы захотите**) ; ўзбек тилида: Ҳозир замон шунақа. Пошшолар тахт талашганида **юз минглаб** одам бола-чақаси билан қирилиб кетганига қарамайди (П.Турсун, Ўқитувчи, 15-бет). (Времена сейчас такие. Когда воюют из-за трона, короли не смотрят на то, что **сотни-тысячи** людей истребляются со своими детьми.

Энди қиёсланаётган тилларда "деинтенсификация" концептуал микросемантикасини воқелантирувчи вербализаторларини кўриб чиқамиз.

1) фонемалар орқали: а) **чўзиқ унлилар**, масалан, **инглиз тилида**: Tom looks *pre-e-etty* tired –Том *са-а-ал* ҳорғин кўринади. You have *ha-a-ardly* eaten anything (E.Hemingway. Short stories, 157), Сиз **деярли** ҳеч нарса емабсиз-ку; ўзбек тилида: Ортиқча жиззаки кўринмаслик учун **боси-и-иқ** товуш билан гапирди (П.Қодиров, Қора кўзлар. 198); б) **чўзиқ ундошлар**. Масалан, **инглиз тилида**: *s-s-slightly, l-l-little, t-t-tiny, m-m-minor*, etc; I slightly touched upon the problem (Мен масалани **сал-пал** ёритиб ўтдим – Я слегка затронул эту проблему; ўзбек тилида, **ю-ю-ю-пқа, ё-ё-ё-лғиз, р-р-р-**

ов. Масалан: Сув бетини ю-ю-ю-пқа муз қоплаган эди (П.Кодиров.Қора кўзлар, 214); Мен бозорга бир р-р-р-ов тушиб чиқаман (А.Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар, 29); 2) морфемалар (префикслар ва постфикслар) орқали. Масалан, *инглиз тилида*: а) префикслар орқали: micro-: microbiology-микробиология, microconcept – микроконцепт; mini-: minimarket – минимаркет, miniskirt – миниюбка; *ўзбек тилида*, масалан: кичик-: кичиккўнгил, кам-: камхаражат, камсухан ва ҳ.к.; б) постфикслар орқали, масалан, *инглиз тилида*: “-ish”, масалан: reddish – қизғиш (оч қизил), greenish (оч яшил), bluish – кўкиш, blackish – қорамтир ва ҳ.к.; б) постфикслар:

1) *-гина*: *яхшигина* (хорошенький), жажжигина, мўъжазгина, мурғаккина, кичиккина (малюсенький), пастгина (низенький). **Масалан**: *Навоий... пастгина, кўримсизгина уйга кирди* (Ойбек. Навоий, 241), (Навои вошел в низенький, невзрачный дом...);

2) *-қина*: совуққина, қуруққина, тумтоққина *юмшоққина* (мягенький);

3) *-иш*: “оқиш (беловатый); кўкиш (синеватый), сарғиш (желтоватый), қизғиш (красноватый);

4) *-(и)мтир*, масалан: оқиш - оқимтир, “беловатый”, кўкиш / кўкимтир, “синеватый”, (кўк-синий, зеленый); *сарғиш/сарғимтир* “желтоватый”, *қорамтир* “черноватый”; 5) *-роқ*, масалан: *У эскироқ, жуда тор камзул, оёғига эркакча туфли кийган* (А.Мухтор. Опа-сингиллар, 314) ва ҳ.к.;

3) **лексемалар орқали**. Масалан, *инглиз тилида*: tiny (кичкина -крошечный), mini (мўъжазгина - мини), slightly (бир озгина – чуть-чуть, hardly (зўрға – еле-еле), worthless (арзимас – нестоящий), almost (деярли – почти), penniless ва ҳ.к.; *ўзбек тилида*: сал (айниган), сал-пал (кўрққан), аранг: Улар фронтдан сал узоқ жойда - ўрмонда эдилар (Ойбек. Қуёш қораймас, 189), They were a bit farther from the front – in the woods - Они были расположены чуть дальше от фронта – в лесу).

4) **синтаксемалар**: а) **фраземалар (сўз бирикмалар)** орқали. Масалан, *инглиз тилида*: very little, bit by bit, day by day, quite a little path quite a tiny way, the tiniest issue ва ҳ.к.; *ўзбек тилида*, масалан: *бир қултум сув, бир қошиқ қон(имдан кечинг), бир хўплам сув, бир томчи сувга зор бўлмоқ,*

бир оғиз гап, бир томчи қони қолгунча, бир ховуч одамлар, қил кўприк, бир тийинсиз, ҳемири йўқ, арзиғулик бўлмаган, қилдек ингичка, чўпдек озғин, қоқ суяк, заррадек майда, зиғирдек кичкина, унча-мунча, ёл-ёлғиз, ёлғиз ўзи, қилдай жони, жиндек беда, озми-кўпми ва ҳ.к.: Буни қаранг, *қилдай жони қолибди-ю бу бечоранинг!* (М.Исмоилий, Фарғона тонг отгунча, 48). б) **сентенсемалар (содда ва кўшма сентенсемалар)** орқали, масалан, *инглиз тилида*: а) *содда сентенсемалар*: Wait just a moment! (Бир сония кутинг! – Подождите минутку!); May I have a couple of words, sir? (Можно мне пару слов высказать? – Икки оғиз сўз айтсам майлими?) ва ҳ.к.; *ўзбек тилида*: Сизда бир оғиз гапим бор эди (May I have a word with you? - Можно вас на полслова?) ва ҳ.к.; б) *кўшма сентенсемалар*, масалан, *инглиз тилида*: She was the smallest creature I have ever seen!(Earnest Hemingway. Short stories, 214), (Бунақанги кичик зотни умримда биринчи кўришим эди! – Это было самое крошечное существо когда-либо я видел!); *ўзбек тилида*: Унинг заррача ақли йўқ (А.Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар, 112) (He has not got any wit at all – У него совсем нет ума);

5) **фразеоема (фразеологик бирлик)**лар орқали. Масалан, *инглиз тилида*: a bit, a little, as thin as a rail, a drop in the ocean, a bit of, only just a bit of, just a moment, just a minute, in a little while ва ҳ.к. Масалан Little by little –мало -помалому – оз-оздан, Bit by bit - постепенно – секин-аста; *ўзбек тилида*: чўпдек озғин, қил кўприк, тўрт кунлик дунё, бир томчи қон, икки оғиз сўз, сўзини иккита қилмаслик, бир оғиз гапи билан, карнайчидан бир пуф, беш-турт сўм пул топмоқ, беш - тўртта одам, бир ховуч бойлар, битта - иккита аҳмоқни деб, бир-икки марта айтмоқ ва ҳ.к; Бола чўпдек озиб кетганди (П.Турсун. Ўқитувчи, 100), (The boy became as thin as a rail- Мальчик похудел как щепка); Икки оғиз сўз айтсам майлими? (П.Турсун.Ўқитувчи, 154), (May I utter a couple of words? – Можно мне пару слов высказать?) ва ҳ.к.

6) **паремиемалар (фразеоемаларнинг бир тури, яъни мақоллар ёки маталлар)** орқали. *Инглиз тилида*: 1. Better to live one day as a tiger than a thousand years as a sheep (Лучше прожить день львом, чем сто лет овцой –Юз йил қўй бўлиб

яшагандан кўра бир кун шер бўлиб яшаган афзалроқ); ўзбек тилида: "Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади" ("One man digs a ditch, but thousands make use of it" - "Один человек копает арык, а тысячи им пользуется" или "Один проложил тропу, а все ходят");

7) **текстемалар орқали.** *Инглиз тилида*, масалан: Look, you are a man who can face the devil, and you are afraid of that little mouse! Oh, come on! (J.London. Love of Life, 169), (Кўйсанг-чи, туришингдан от хуркийди-ку, шу кичик бир сичқончадан кўрқиб ўтиришингни қара-я! -Да ладно, ты такой человек, который может бросить вызов даже дьяволу, и ты так боишься этого маленького мышонка, брось!; ўзбек тилида: Сен ука, тоғни урса толқон қиладиган боласан, нимагадир билмайман, шу кичик бир сичқондан шунчалик ҳам кўрқасанми-а!? Э-э, қўйсангчи-эй! (Анджоннома, 2015, №14, 5 б.), (Hey, guy, you are as strong as a lion, and you are so much afraid of such a small mouse? Hang on, hey !

Шундай қилиб, юқорида биз қиёсланаётган тиллардаги "интенсификация/ деинтенсификация" универсал концептуал макросемантикасини воқелантирувчи воситалар – вербализаторларнинг структурал-семантик турларини аниқладик. Табиийки, уларнинг мажмуаси тилларда мазкур семантикани воқелантирувчи махсус вербал воситалар тизимини ташкил этади. Бундай тизим эса тилларда "интенсификация / деинтенсификация" концептуал макросемантикасини воқелантирувчи вербализаторларнинг лингвокогнитив майдони борлигидан далолат беради

Қиёсланаётган тилларда "интенсификация / деинтенсификация" концептуал макросемантикасини воқелантирувчи вербализаторларнинг лингвокогнитив майдонидаги ҳар қандай аъзо (конституент)ни бир умуматама, яъни "**интенсема / деинтенсема**" атамаси, мазкур семантика тавсифини кучайтирувчи ёки каттайтирувчи, кичрайтирувчи (ёки кучсизлантирувчи), "филдек", "чумолидек" каби воситаларни эса **«интенсификатор / деинтенсификатор»** умуматамаси билан аташга етарли асос бор, ваҳоланки бундай умуматамалар мазкур вербализаторларни типологик жиҳатдан қиёслашда муҳим роль

ўйнайди (Солнцев 1976, 106; Черемисина, Колосова, 1987, 182; Хошимов 2017, 26 ва ҳ.к.).

Тилларда "интенсификация / деинтенсификация" концептуал макросемантикасини воқелантирувчи юқорида санаб ўтилган инвариант тил воситалари билан бир қаторда маълум авербал воситалар ҳам борки, улар паралингвистик воситалар, тўғрироғи, "авербализатор"лар, деб аталади. Авербализаторлар эса имо-ишора, турқтароват, юз ифодаси, кўз(лар), лаблар, бурун, қошлар, қовоқлар, бош, бўйин ва тананинг бошқа аъзолари ҳаракатлари орқали ифодаланади. Бундай авербал воситалар вербал воситалардан ўзларининг бирон бир вазият тақозосига кўра, зарур эҳтиёждан келиб чиқиб, зикр этилган семантикани воқелантиришда чекланган ҳолда қўлланилишлари билан ажралиб турадилар.

Юқоридаги мухтасар қиёсий-типологик таҳлилдан кўриниб турибдики, таққосланаётган ҳар учала тилда "интенсификация / деинтенсификация" концептуал макросемантикасининг вербализаторларининг изоморфик жиҳатлари қуйидагича бўлиб, ҳар бир тилда: 1) тилнинг барча сатҳлари бирликлари орқали воқелантириладиган вербализаторларининг 6 тури мавжуд; 2) вербализаторларининг ички (семантик - deer) структураси фарқланмайди; 2) барча вербализаторлар тизими "интенсификация / деинтенсификация" лингвоконцептуал макросемантикаси майдонини ташкил этади; 3) майдонда ядро, доминанта ва периферияга тегишли конституентлар мавжуд; 4) синонимик муносабатлар майдоннинг вербализаторлари орқали амалга оширилади ва ҳ.к.

Тилларда "интенсификация / деинтенсификация" концептуал макросемантикасининг вербализаторлари ўзига хос ва мос ҳамда лингвокультурологик ва лингвопрагматик жиҳатларга эга бўлиб, улар мазкур универсал концептуал макросемантика билан боғлиқ барча маданият компонентларини ҳам ўзларида мужассамлантирган ҳолда *лингвоэтнокультурологик воситалар* сифатида қўлланилади. Масалан: "алмисоқдан қолган", "as old as dirt", "стар

как мир”, ёки: “онасини Учқўрғондан кўрсатмоқ”, “устроить кому-то Самару”, “to meet one's Waterloo” ва ҳ.к. Бундай воситаларни шартли равишда “этно-лингвокультурама”лар деб аташ мумкин.

Типологик нуқтаи назардан олганда, “интенсификация / деинтенсификация” концептуал макросемантикаси вербализаторларининг тилларда мавжуд барча сатҳларнинг бирликлари орқали воқеалантирилиши умумлисоний қонуниятдир, чунки инсон мулоқоти учун керакли воқелик ёки маълумот ҳар бир

тилнинг махсус вербал ва (авербал) воситалари орқали воқеалантирилиши табиий. Бу маънода қиёсланаётган инглиз, ўзбек ва рус тиллари мустасно эмас. Турли тизимли тилларда “интенсификация/ деинтенсификация” концептуал макросемантикаси вербализаторларининг когнитив типологияси уларнинг лингвокогнитив табиатини, шунингдек, уларнинг структурал-семантик турлари изоморфик ва алломорфик жиҳатларини аниқлашга ҳамда тақозо этувчи омилларни очиқ беришга кенг имкон яратади.

Адабиётлар:

1. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода//Вопр. языкознания. – М., 1994. - №4.
2. Касевич В.Б. О когнитивной лингвистике // Общее языкознание и теория грамматики. Материалы чтений, посвященных 90-летию со дня рождения С.Д.Кацнельсона. – СПб: Наука, 1998.
3. Кубрякова Е.С. О когнитивной лингвистике и семантике термина “когнитивный”//Вестник Воронежского государственного университета. Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. – Воронеж, 2001.
4. Кубрякова Е.С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира(Язык. Семиотика. Культура)/ Рос. академия наук. Ин-т языкознания. – М.: Языки славянской культуры, 2004.
5. Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада?// Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов тавваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари). Андижон, 2012.
6. Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику(Учебное пособие). – М.: Флинта - Наука, 2004.
7. Попова З. Д., Стернин И. А. Когнитивная лингвистика . – М.: АСТ: Восток-Запад, 2007.
8. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. -Жиззах:«Сангзор» нашриёти, 2006.
9. Солнцев В.М. О соизмеримости языков.// Принципы описания языков мира. – М.: Наука, 1976. -С.105-121.
10. Стернин И.А. Методологические проблемы когнитивной лингвистики. Научное издание; Под редакцией И. А. Стернина. – Воронеж: Воронежский государственный университет, 2001.
11. Хошимов Г.М. К теории концептов и их таксономики в когнитивной лингвистике.// Систем-структур тилшунослик муаммолари. Филология фанлари доктори, профессор Н.К.Турниёзов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Самарқанд. 2010.
12. Хошимов Г.М. Принципы и методика типологического сопоставления сложных предложений. Андижан, Хаёт, 2016.
13. Черемисина М.И., Колосова Т.А. Очерки по теории сложного предложения. – Новосибирск: Наука, 1987.- 197 с.
14. Jackendoff J..Semantics and cognition. – Camb rridge - Mass.,1993.

(Тақризчи: М.Ҳакимов, филология фанлари доктори).